



# Халқ сўзи


Ўзбекистон —  
кељаги  
бўёк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 6 июль, № 131 (4284)

Жума



## Муборак манзиллар

Самарқандни кезиб юрганмизда куни билан хирмондек бир оқ булут шаҳар осмонидан ҳеч нари кетмади. Бу самовий "посбон" гоҳ Гўри Амир, гоҳи Шоҳи Зинда узра, бир зиёрат муддатига вақт ўтгандан кейин Регистон ё Бибиномим обидалари, бир маҳалдан сўнг эса султон Улўбек расадхонаси ёки Хожа Аҳрори Вали бобо мақбаралари ҳавосида муаллақ пайдо бўлар, унинг осмоний «хатти-ҳаракатлари»ни, бир манзилдан бошқа манзилга қай йўсинда силжиш жараёнини ердангилар илғамай қоларди. Булутнинг сояни, илоҳий ҳолати, унинг фақат фалаккагина хос самовий авзойи қалб билан қараган кишининг кўксини жимирлатиб юборар, унда қандайдир силри қудрат ашириниб тургани билиниб турарди.

"Инсон тафаккурининг шох асари", "Инсон меҳнатининг нур ва мусика билан уйғунлашган ҳақиқий мадҳияси"

деб таъриф берилган Шоҳи Зинда мажмуини зиёрат қилаётганларнинг кети узилмайди. Олмония Фарангистон, Италия Япониядан келган зиёратчилар том маънода хайратда, юртимизнинг турли гўшаларидан келган моллар билан боболар, қиз-хувонлар ва йигитлар, болакайлару қизалоқлар завқланиб, ҳаяжонланиб юришибди. Одам тирбанд, қирқ погондан иборат зина-полярдан тепага чиқаётган лайтимиз, биздан ўн погонча юқорида кетаётган малласоз кишининг елкасида, спорт кўйлагидоги гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай қолаётган ёзув диққатимизни жалб қилди. Бу ёзув — "Прошай, оружие!" деган сўзлар, яъни Американинг машҳур ёзувчиси Эрнест Хемингуэйнинг дунёга донги кетган "Альвидо, қурол!" романининг ўрниси номи эди. Юқорига қичқач, меҳмон билан танишдик. Артём Андреевич Санкт-Петербургда, оиласи билан сайхатга келган

экан. Асли касби тарихчи, ҳозирда тижорат билан шуғулланаркан. Кўрагидаги Хемингуэй сиймосига, елкасидаги ёзувга ишора қилганимиз чоғи, Артёмбой оғир тин олди. У киши мустабид тўзум даврида бемаъни уруш ("Бессмысленная война") номини олган афғон жанги катнашчиси экан: "Билсангиз, рус режиссёри, менинг адашим Артём Бондарчукнинг машҳур "9-РОТА" фильмида бизни кўрсатишган, у орадан олти асрдан зиёд вақт ўтгандан кейин мустақиллик замонида муҳтарам Ўртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлигида иккинчи марта ҳақиқий маънода қайтадан обод этилди. Бир рамзий-тарихий ташбех; ободончилик ишлари кетаётган чоғда Шоҳи Зинда оҳанасида шу пайтгача ер остида кўмилиб ётган қадимий таҳоратхона ва ҳаммом — поклишни, ювниш хоналарининг, жиҳозлари — кўза, сув иситиш қозонларию об-

лаш ўзгариб кетибди. Мана бу обидаларнинг ўзи бу халқнинг қудратини, ақлу заковати, ғурурию маънавиятини кўрсатиб турибди. Шоҳи Зинда тарихи ҳақида кўп ёзилган, мўл айтилган. Лекин бир тарих хусусида айтиб ўтилмас бўлмас. Асрларнинг силсиласида, тупроқ устида бино бўлганидан буён Шоҳи Зинда сохибқирон Амр Темур даврида, улў бобомизнинг бевосити иштирокида бир бор ва орадан олти асрдан зиёд вақт ўтгандан кейин мустақиллик замонида муҳтарам Ўртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлигида иккинчи марта ҳақиқий маънода қайтадан обод этилди. Бир рамзий-тарихий ташбех; ободончилик ишлари кетаётган чоғда Шоҳи Зинда оҳанасида шу пайтгача ер остида кўмилиб ётган қадимий таҳоратхона ва ҳаммом — поклишни, ювниш хоналарининг, жиҳозлари — кўза, сув иситиш қозонларию об-

### ВАТАНИМИЗ

улўг кунларни бошидан кечирмоқда. Кутлўг байрамлар, муборак саналар арафасида турибмиз. Биз бу сафарнома-ларимизда она диёримизнинг бугунги куни, ҳаётимизда рўй бераётган улўгвор ўзгаришларни муқояса, хайрат ва ҳаяжонлар тарзида ёритишга ҳаракат қилдик. Мовий осмонимиздаги раҳмат булутлари, оқ оппоқ булутларни ўзимизга сафардош қилдик, уларни гоҳ ерга — ёнимизга тушириб, гоҳ нурли манзилларга етаклаб, суҳбатларимизга қўшидик, таҳлил этдик, ўз туғишган бобомиздай уларга кўнглимизни очдик.

дасталарнинг топилиши фаройиб ҳодиса бўлди. Бунда ҳам тимсол-чиқмат бор.

Зиёрат таомилини бажариб, табарруқ зиналардан тушар эканмиз, Шоҳи Зинда тепасида — мовий осмонда ёйилиб турган оқ булутни кўрдик. У ҳам зиёратчиларга ҳамдам, ҳамнафасдай эди гўё.

Кейин Мир Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети талабалари билан бу муқаддас шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишланган "Истиқлол ва адабий жараён" мавзусидаги учрашув ва мушоирада иштирок этдик. Университетнинг салқин, сердрахт хибобию йўлақлар, ўқув хоналарида ёшлик сурури, завқу шавқи билан тўлиб-тошиб билим олаётган талаба ука-сингилларимизга, уларнинг ёшлигига, давру давронига ҳавасимиз келди, шу ҳавас ва ҳаяжон билан она, Ватан, ёшлик ва муҳаббат ҳақида шеърхонликлар бўлди. Халқ шоирларимиздан бири ёшликка қайтиш учун, шу чакноқ кўз ёшлар сафида тенгдош бўлиб бир соатгина кўшилиб юриш учун бутун ижоди, сайланмаларию гоҳ бочасини алмаштиришга ҳам тайёр эканини билдириб, ихори дил қилди.

Университетнинг ҳазрат Навоий номи билан аталishiда ҳам бобомерос

(Давоми 2-бетда).

"Маҳалла муҳити: Марказий Осиёда ўзгараётган маданият ва жамият" — Токио университетининг Шарқ маданияти институтида шу номли китоб япон тилида босмадан чиқди. 350 саҳифа, 7 қисмдан иборат бўлган ушбу салмоқли монография муаллифи Цикуба университетининг доценти, ватандошимиз Темур Дадабоевдир.

## ТОКИОДА ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ НАШР ЭТИЛДИ

Тадқиқотдан қўзланган асосий мақсад Марказий Осиёда кенг тарқалган жамоатчилик институти — маҳалланинг аҳамиятини ўрганиш билан изоҳланади. Бинобарин, маҳаллий жамоатчилик даражасида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларнинг ечимида бу институти муҳим аҳамият касб этади.

"Ҳозирги пайтда мамлакат минтақаларида жамият қурилишининг янги шаклларига ўтиш бўйича тузилмавий ислохотлар амалга оширилмоқда, деб таъкидланади тадқиқотда. Шу боис улар дуч келинаётган осойишталик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига, амалга оширилатган қатор демократик ва бозор муносабатлари ўзгаришларига тўла мос тушади. Айнан маҳалла қарама-қаршилиқлар ўсишининг олдини олиш ва кўпгина муҳим муаммоларни бошланғич босқичдаёқ ҳал этиш имконини бермоқда".

Нашрда маҳалла институтини ривожлантириш, шунингдек, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида унинг ўрни ва ролини кучайтириш ишида Ўзбекистон тўплаган бой тажрибага алоҳида эътибор қаратилган.

Китобда маҳалла институтини ривожлантириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида унинг ўрни ва аҳамиятини ошириш юзасидан Ўзбекистон тўплаган тажрибага алоҳида эътибор қаратилади. "Ўзбекистонда ҳозирги пайтда янги жамоатчилик институти яратилаётгани баробарида амалда мавжуд бўлган ана шундай институтилар тақомиллаштирилмоқдаки, улар орасида албатта, маҳалла алоҳида ўрин тутайди, деб ёзилади китобда. Республикада маҳалла институтини ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда. Бунга нафақат маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларига кенг имкониятлар берувчи қонунчилик меъёрилари, балки яқунланган йиллардан бирини Ўзбекистонда маҳалла йили, деб эълон қилинган ҳам далил бўла олади. Булар ушбу ўзига хос ноёб жамоатчилик институтини ривожига янги туртки берди. Маҳалла йили доирасида мамлакатда катта ўзгаришлар рўёбга чиқарилди".

Китобда, шунингдек, минтақа мамлакатларида тинчлик ва барқарорлик, этник ва динлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш маҳаллий ҳамжамият даражасидаги барқарорлиқни асло мумкин эмаслиги қайд этилар экан, бунда турли этник ва диний ғуруҳлар вакиллари бирлаштириш муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланади.

Юқоридоғилардан ташқари, япон ўқувчилари Марказий Осиё мамлакатларининг бошқа ижтимоий, диний ва сиёсий институтилари мисолида маҳаллаларнинг ҳозирги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳолати таҳлили билан ҳам танишқилари мумкин.

«Жаҳон» АА.

Сурхондарё вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан, бандлик даражасини ошириш йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

## АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Шаҳар ҳамда туманлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари негизда Бандликка қўмақлаш-шиш маркази, 112 қишлоқ фуқаролар йиғинида аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш пунктлари ташкил этилди. Барча қўлайликларга эга пунктларда 126 нафар инспектор фаолият юритмоқда. Уларнинг зиммасига ишга талабгорларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитишни ташкил этиш, аҳоли бандлигининг самарали шакллари ривожлантириш, ёшлар, хотин-қизлар ва аҳолининг бошқа ахтиёжман доираларини ишга жойлаштиришга қўмақлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига яқиндан ёрдам кўрсатиш вазифалари юкланган.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Қодировнинг айтишича, мақзур пунктлар фаолият юрита бошлагач, аҳолини иш билан таъминлаш суръати ошган. Жорий йилнинг биринчи ярмида иш сўраб мурожаат қилган 13 минг 127 фуқаронинг қарийб 90 фоизи иш билан таъминланган. Барча пунктларга вилоят бўйича бўш иш ўринлари, вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар узулсуз етказилмоқда. Термиз туманидаги "Паттакесар" қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш пунктида ўтказилган ўқув-семинарда шу хусусда атрофлича сўз юритилди. Унда шаҳар ва туманлардаги бандликка қўмақлаш марказлари раҳбарлари, жойлардаги пунктлар инспекторлари иштирок этиди.

(Давоми 2-бетда).

### Фестиваль

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган аёллар спартакиадаси эндиликда "Тумарис" спорт фестивали номи остида ташкил этилмоқда бўлди. Навбатдаги мусобақалар шу йилнинг 14-17 июль кунлари Наманган шаҳрида ўтказилади.

## Аёллар майдонга тушади

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилаётган навбатдаги мусобақаларда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган ёши 25 дан юқори бўлган 448 нафар хотин-қиз иштирок этади. Улар спортнинг халқ ўртасида кенг оммалашган етти тури — волейбол, стритбол, стол тенниси, шахмат, енгил атлетика, сузиш, синхрон сузиш бўйича куч синашадилар. Бундан ташқари, миллий ўйинлар йўналишида "Кувноқ стартлар" баҳси уюштирилади. Айни пайтда нуфузли спорт байрами тусини оладаган анжуманга ҳозирлик ишлари ниҳоятга етказилмоқда. Беллашув жойи сифатида асосан Наманган муҳандислик педагогика институти ва "Дустлик" ака-

(Давоми 4-бетда).

### Ўзбекистон ва жаҳон

Миср нафақат араб дунёсида, балки, Африка ва Осиё минтақаларида ҳам ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган энг йирик давлатлардан бири. Бу мамлакат инсоният цивилизациясининг бешинчи ҳисобланади. Эрамиздан аввалги ўнинчи — тўртинчи мингйилликларда бу ерда одамлар яшагани, деҳқончилик билан шуғуллангани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган.

## ЭҲРОМЛАР ЎЛКАСИГА ЙЎЛ

Тошкент ва Қоҳира ўртасида самолёт қатнови йўлга қўйилди

Миср Араб Республикаси биринчилардан бўлиб мамлакатимиз мустақиллигини тан олган эди. Кейинги йилларда икки томонлама алоқалар кенг ривожланиб бормоқда. Шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Миср расмий ташрифидан сўнг икки давлат ўртасидаги муносабатларда янги босқич бошланди.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқаларни янада ривожлантириш тўғрисидаги шартномалар имзоланди. Ташриф чоғида, шунингдек, мамлакатлар пойтахтлари ўртасида самолётлар қатнови йўлга қўйиш ҳақида ҳам келишиб олинган.

(Давоми 3-бетда).

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишга доир жиноят қонунчилиги сиёсати жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқаётган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради. Инсон ҳаётига ҳамisha буюк неъмат сифатида қараб келган халқимизнинг маънавий қадриятлари ҳам шунини тақозо этади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 1 августда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони бунинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида ушбу жараённинг қонуний асослари янада мустаҳкамланди. "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун-

нинг сенаторлар томонидан маъқулланиб, қабул қилинган бу фикрнинг исботидир. — Қабул қилинган ушбу қонун давлатимиз раҳбарининг юқорида номи қайд этилган фармони ижросини таъминловчи асосий меъёрий ҳужжатдир, — дейди юридик фаилари доктори Одина Зокирова УзА муҳбирига. — Қонунчилигимизга жинойий жазолар тизимидан ўлим жазоси чиқариб ташланиб, унинг умрбод ва узоқ мuddатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши таъминлайдиган ўзгартиш

ва қўшимчалар киритилди. Қабул қилинган қонунда ана шу жазоларни тайинлаш, ижро этиш тартиби белгилаб берилди.

Шу ўринда жиноят қонунчилигининг инсон манфаатларига хизмат қилишини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар бугун ўз самарасини бераётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, жинойий жазоларнинг изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштирилиши борасида амалга оширилаётган ишлар жамиятимиздаги муҳитни соғломлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Халқимизнинг кечиримлилиқ, бағрикенглик ва инсонпарварлик асосланган қадриятларини ўзида муҷассам этган ярашув институти жорий этилганидан буён мингглаб фуқаролар судланишдан асраб қолинди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳам

суд-ҳуқуқ ислохотларининг яна бир амалий самарасидир. Уни қўллашнинг босқичма-босқич камайитрилиши ва, ниҳоят, бутунлай воз кечилиши жинойий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналишидир.

Президентимизнинг 2006 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисидаги фармойиш билан борада амалга оширилган ишлар самарадорлиги таъминлинишида муҳим омил бўлди. Шу асосда олий жазога оид ислохотлар моҳияти аҳолига атрофлича тушунтирилгани ва олиб борилган кенг қамровли тадбирлар натижаси ўлим жазоси-

нинг бекор қилинишига оид меъёрий ҳужжатларнинг қонун даражасида мустаҳкамланиши учун замин яратди.

Мақзур қонун Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат қурилиш йўлидан тўғри ва собиққадамлик билан сиёсат юритаётганининг яна бир исботи бўлди. Қонун асосида жазолар тизимида жиноятларнинг фақат икки таркиби учун, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун ўлим жазоси ўрнига умрбод ва узоқ мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилмоқда.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва бу борада олиб борилган ишлар халқимизнинг тинч-осойишта, адолатли, қонун устувор бўлган демократик давлатда яшашига хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА, УзА муҳбири.

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Самарқанд вилоятида салкам **4000** та фермер хўжалиги ташкил этилди.

Бугунги кунда улар асосан сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланмоқда. Қўллаб-қўзғатиш бўлими ва фермер хўжалиқларининг замонавий технологиялар билан жиҳозланган цехларида эса мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, улардан шарбат ва мурабболар тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.



(Давоми 4-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Аҳоли бандлигини таъминлаш — устувор вазифа

**(Давоми. Боши 1-бетда).** Тадбир доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада 40 корхона, ташди. Шу кун 50 талабгор ишга жойлашди.

Термиз тумани қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежини иктисод йўналиши бўйича тамомланган, — дейди ёш мутахассис Жумагул Ҳўраева. — Ушбу меҳнат ярмаркасида «Пахтабанк»нинг Учқизил бўлимида ўз мутахассислигини таъминлаш мақсадида яратилаётган бундан қўлайликлардан миннатдоримиз.

Уқув-семинар иштирокчилари қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш турғун пункти фаолияти билан танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Уларга бандлик муаммосини ҳал этиш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёрдам кўрсатиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

## Ўзликни англаш бахти

**ФАРФОНА.** Политехника институти қошидаги Маънавий тарғибот маркази негизда миллий гоё ва мафкура, маънавий-маърифий ишлар методологик маркази ташкил этилди.

Энди ундан фақат талабаларгина эмас, вилоятда истиқомат қилаётган зиёлилар, ўзини маърифий-маънавий ишларга дахлдор деб ҳисоблаган барча кишилар фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, марказ айна соҳада фаолият юритувчи муассасалар, ташкилотлар иштини мувофиқлаштиришни, илмий-амалий ёрдам кўрсатади. Турли анжуманлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан марказга янги қўлланмалар, норматив ҳужжатлар тақдим этилди. Марказ монографиялар, қўлланмалар, электрон хабарлар чиқариш ва тарқатиши имкониятига ҳам эга.

## «Кулгуларинг оламни тутсин, болажон!»

**ҚАШҚАДАРЭ.** Яққабог туманининг тоғолди ҳудудида жойлашган «Нихол» болалар оромгоҳида санъат ва спорт байрами ўтказилди.

Шу кун дам олувчилар ҳузурига Мулла Тўйчи Тошмухаммедов номидаги вилоят театри, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими санъаткорлари, болалар ижодий жамоаларининг вақлилари ташриф буюрдилар.

«Кулгуларинг оламни тутсин, болажон!» томошаси турли-туман спорт уйинларига улашиб кетди. Энг фаол иштирокчиларга ҳоимларнинг эсдалик совғалари топширилди.

## Олма шарбати ичасизми?

**СУРХОНДАРЭ.** Вилоятда бугун ўн бир мингтадан ортиқ фермер ҳўжалиги бор. Уларнинг ҳар ўнтадан биттаси қишлоқда саноатни ривожлантириш ишига қўл ўрмақда.

Деновада «Маъруф» фермер ҳўжалиги йилига 150 тонна мева-сабзавотни қайта ишлайдиган корхона очди.

— Қайта ишланган маҳсулотта харидор ҳамisha кўп бўлади. Бу табиийки, миришкорнинг даромадига барака бўлиб ёғилади, — дейди ҳўжалик раҳбари Тоштемир Каримов.

## Саломатлик поезди

**ХОРАЗМ.** «ЭКОСАН» халқаро ташкилот Инсонпарварлик ёрдами катталар учун кийим-кечаклар, болалар пойабзаллари, кўрпа-тушак гилофлари, санитария-гигиена воситаларидан иборат.

## 20,7 миллион долларлик кредит

**ТОШКЕНТ.** Осие Тараққиёт Банкининг директорлар кенгаши Ўзбекистонга 20,7 миллион долларлик янги кредит ажратди. Маъмур маблағ «Давлат молияларини бошқариш ислохоти» лойиҳасини ҳаётга таътиқ этишга йўналтирилади.

Осие Тараққиёт Банки томонидан ўн йил мобайнида Ўзбекистонга 23 та лойиҳа бўйича 974,9 миллион доллар миқдорда кредит ажратилган, шундан 30,4 фоизи таълим соҳасига тўри келади.

## Шоира — энг яхши ҳамшира

**НАМАНҒАН.** Бу ерда «Ҳамшира — 2007» кўрик-танловининг вилоят bosқичи нихоюсига етди. Унда бахшлаган 8 нафар оқ халат соҳибалари бешта шарт бўйича билим, тажриба ва дунёқарашларини синовдан ўтказдилар. Танловда республика шошилнин тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали вакили Шоира Камолова голиб, деб топилди. Янгиқўрғонлик Икболлой Абдурахмонова, Наманган шаҳар болалар шифохонаси ҳамшираси Наргиза Қозоқова иккинчи, учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

## Қалбга яқин наволар

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Бердақ номидаги республика давлат драма театрида симфоник мусиқа кечаси ўтказилди. Бу гаглиц концерт жаҳон мумтоз симфоник мусикасига бағишланди.

Таникли мусиқа устаси Қурбонбой Заретдинов бошқарган оркестр Петр Чайковскининг 4-6 симфонияларини ижро этиб, мумтоз мусиқа мухлисларининг олқишига сазовор бўлди.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йилнинг 22 мартда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2007 йилнинг 30 мартда маъқулланди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йилнинг 6 апрелида имзоланди. Қонун 2007 йил 1 июлидан бошлаб қучга кирди.

Ҳўш, ушбу Қонуннинг фуқаролар хавфсизлигини сақлашдаги аҳамияти нимадан иборат?

Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчиларининг ҳаёти-ю соғлигини ҳимоя қилиш, йўл-транспорт ҳодисалари туфайли содир бўладиган оқибатларнинг ҳамда инсонларнинг ҳалок бўлиши ва оғир тан жароҳатларини олишларининг олдини олиш мақсадида хавфсизлик камарларидан фойдаланиш тартибларини жорий этилди. Бу дунё амалиётида синовдан ўтган восита бўлиб, ривожланган Фарб давлатлари тажрибасида кўндан бун қўлланиб келинмоқда.

Аслида, хавфсизлик камарлари 1957 йилдан бошлаб қўлланила бошлаган. У пайтда камарлар спорт машиналарида, хавфсизликдан кўра кўпроқ безак сифатида қўлланилган. Хавфсизлик камарининг ҳозирда қўлланилаётган намунаси 1959 йилда «VOLVO» компанияси мутахассислари томонидан иختиро этилган. У амалиётда 1960 йилдан бун таътиқ этиб келинмоқда. Мазкур ихтиро 1985 йилда Фарбий Германия патентлик бюроси томонидан «Охириги 100 йилда инсоният учун яратилган энг қимматли 8 та ихтироининг бири» деб тан олинган.

Транспорт воситасини бошқариб бораётган ҳайдовчи нафақат ўзининг хавфсизлиги, балки йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиги учун ҳам масъул ҳисобланади. Шунинг учун у йўловчиларнинг хавфсизлик камарларини тақданиқларини назорат қилиб бориши зарур. Хавфсизлик камарлари кескин, ҳалокатли ҳолатларда ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бехато бошқаришлари имкон беради. Бунда ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиши ёки уларнинг оқибатини енгилаштириши мумкин бўлади. Ҳозирги кунда Европа Иттифоқи мамлакатларида хавфсизлик камаридан фойдаланмаслик йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда

# ФАЛОКАТДАН САҚЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ



жароҳатларнинг олдини олувчи ёки уларни камиратийи воситаси сифатида (тезликдан кейин) 2-ўринга чиқди.

1968 йил 8 ноябрда Вена шаҳрида тасдиқланган «Йўл ҳаракати ҳақида»ги (1993 йил 3 сентябрда қучга кирган ўзгартиришлари билан) Конвенциянинг 7-моддаси 5-бандига мувофиқ, конвенцияга аъзо бўлган мамлакатлар ҳудудида хавфсизлик камарлари кўзда тутилган автомобилларда камарлардан фойдаланиш мажбурийлиги, миллий қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно эканлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 17 январда ушбу конвенцияга аъзо бўлган.

Европа Иттифоқи мамлакатларининг 25 тасида 2006 йилнинг 9 майдан бошлаб, барча турдаги оқ автомобиллари ва автобусларда ҳам хавфсизлик камарларини таътиқ юриш мажбурий эканлиги ҳақида қонунлар (бунгача автотранспорт воситаси оғирлиги 3,5 тоннадан ошмаган бўлиши керак эди) амалга киритилди. Хавфсизлик камарларини таътиқ соҳиб Иттифоқ мамлакатларидан Болтиқбўйи республикаларида, Россия Федерацияси, Беларусь, Грузия, Украина, Қозғистон, Қирғизис-

тон Республикалари миллий қонунчиликлариди амалга киритилган ва қўлланиб келинмоқда.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг хавфсизлик камарларини тақданиқ ва ундан фойдаланмаган ҳолда автотранспорт ҳаракатланганда йўловчиларнинг аҳолини ўрганиш бўйи-

## Конун ва ижро

ча таҳлиллар дунёнинг бир қанча мамлакатларида амалга оширилган. Жўллардан, Япония олимлари хавфсизлик камарини тақданиқлиги учун йўл-транспорт ҳодисасида ҳалок бўлган 384 нафар йўловчининг ўрганиб чиққанда, хавфсизлик камарини тақданиқда уларнинг 80 фоизи омон қолиши мумкин деган хулосага келинган. Финляндияда эса 12 млн. киши иштирокчиси бўлган 6 миллион 10911 тани, уларда ҳалок бўлганларнинг сони 2130 нафарни, тан жароҳати олганлар 11943 нафарни ташкил этган.

Бундан маълум бўладики, содир этилган ҳар 100 та йўл-транспорт ҳодисаси ўртача 19-20 нафар инсоннинг ҳаётдан бевақ кўз юмишига ва 100 нафардан ортиқ кишининг тан жароҳати олишига олиб келимоқда.

Республикамиздаги транспорт ҳаракати тезлиги юқори бўлган айрим халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларида (М-39, М-37, А-373, А-378 ва х.к.) содир этилаётган ҳар 100 та йўл-транспорт ҳодисасида ҳалок бўлганлар сони сезиларли даражада юқори бўлиб, қарийб 30 нафаргача етиб бориюқда. Таҳлил учун мисол қилиб оладиган бўлсак, транспорт ҳаракати тезлиги нисбатан (соатига 70 км.дан) юқори бўлмаган Тошкент шаҳри ҳудудида содир этилган ҳар 100 та йўл-транспорт ҳодисасида ҳалок бўлганларнинг ўртача сони 8 нафар ва ундан ортиқ кўрсаткичи ташкил этади. Бу эса трассалардаги нисбатан қарийб 4 баравар кам эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида «Йўл ҳаракати хавфсизлиги

## Муборак манзиллар

комилларнинг ҳам қалб ҳайратларига бешик бўлган сўхри шаҳар бу.

Форс ринди, рубойи рубойлар қўй-чи, фозил ва аллома киши Умар Хай-ёмни ҳам мафтун этган, соғинтирган, илм ва илҳом бахш этган, дилқаш ва дилтортар шаҳар — Самарқанд.

**«Темурбек солгон олий иморатлардан бири Кўк саройдурким, Самарқанднинг аркида воқеъ бўлубтур. Ажаб хосият-лиг иморатдур. Темурбек авлодидин ҳар ким бош кўтариб тахтқа ўлтурса ҳам мунда ўлтүрүр, ҳар ким тахт доияси била бош қўйса ҳам мунда кўр...»**

Шоҳ шоир Захириддин Мўхаммад Бобурнинг «Бобунома» асаридан келтирилган бу сўзларга бирор нима қўшимча қилиш қўйин. Фақат айтиш мумкинки, шундай улуг маънавий-тамаддуний асосларга эга бўлган, не-не буюк, беназир зотларнинг қалбини, назарини тортиган Самарқанднинг ҳам тарихий-маърифий мақоми қайта тикланиб, у бугунги кунда чин маънода Истиқлол ва истиқбол шаҳрига ай-ланди.

Университет профессори, мумтоз адабиётнинг нозиктаъ билимдонини Муслихиддин домла Мўҳиддиннинг



битишига 18-20 километргеина масофа қолган. Асрий даралару метин қояларни кесиб ўтиш осон кенаётгани йўқ. Вази эзлик беш тоннагача келадиган Япониянинг «Комачу» бульдозерларининг ҳам тушига кирмаган улуг ишлар бўлаётди. Қурилиш биттандан кейин, тасавур қилинг, денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда поёзлар юра бошла-лайди. Асли кўз ўнгимизда рўй бераётган ҳақиқат гаплар, лекин афсонага ўхшайди.

# Муборак манзиллар



порлаб, нур сочиб жимирлайдилар. Юлдузлар. Азим чинорларнинг омон-ўлар шохларига чиқиб, уларни беамало эъозлаш, қўл билан авайлаб силаб-сийлашаб мумкин, улар билан дилга яқин қадрдонлардек сўзлашиш, суҳбатлашиш мумкин.

**О**к ниятлар, оқ фотиҳа-дуолар ҳам оқ-оппоқ булутларга ўхшайди. Кейин Тошкентга келганмишда талаба-ёшларнинг «Бунёдкор» қурилиш гуруҳларини «Тошгузор — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилишига қу-затиб қўйиш маросимига қатнашаётган пайтимиз биз бу оқ дуолару оқ булутларга яна бир бора гувоҳ бўлидик.

Тошкент темир йўл вокзалы рўпарасида кафедраси майдонда инсон қабо-рини одисига ўратилган, Темур бобу-рининг «Кўч — адолатдур!» сўзлари ва «Шаҳримизни ёмон кўзлару ёвуз кўнлардан асрасин!» деган муборак битикларни ўнда мужассам этган меъморий маж-муа қошида ўй-кечинималарга берилдик, мулоҳаза қилдик. Бунёдкор талабалар-нинг қўрқам қадду қоматлари, бун-баст-лариди ёлшиқ байрат қўлқўйди, улар ва-голарга чўки олдидан элнинг катта шо-ирлари шеърый дуолар қўлишди, оналар, оқсоқоллар оқ фотиҳа беришди. Узун, яшил поёзд йўлга чиқди олдидан қўлда-ки оқ булутлар тўлидан бириси аста, со-кингина узилди, кузатувчилар назариди, кетаётган поёзд узру у ҳам бирга қў-лиш либўлган олгангадек туюлди.

Ҳозир Чак-чак довонию Бойсун то-ғлари узру оқ булутлар ястаниб, ёйилиб юзиб юрибди. Айни пайтда азим тоғлар бағрида «Буюк ўзбек йўли» номини олган давримизнинг йирик қурилишида Тошкент темир йўллар мўҳандислик, Қарши иқтисодиёт ва муҳандислик ин-ститутиларидан келган юзга яқин бунёд-кор талабалар темир йўлчилар, йўлсо-қ, кўриқсоллар билан бирга елкадош, та-дирдош бўлиб меҳнат қилишмоқда. Та-лаба-ёшлар бу ерда ҳаёт ва меҳнат ни-малчиликни ўрганишлар, қалбдан, жис-ман чинчиқиб қайтадилар. Иш ҳақири э-за, ўз иттимосларига биноан, шартнома бўйича ўқув хароҳатларига тўланади.

Икки воҳа ўртасидаги Чак-чак до-вонию, Бойсун тоғлари узру хирмондек хирмондек оқ булутлар кезинмоқда. Айни кўнларда 230 қақиримлик темир йўлнинг

## Ватан. Бешикдаги боламиз, кўксимиздаги лоламиз — Ватан. У — кўз қорғимизда, авлодлар учун чекаётган меҳнатимиз, захватимизда. Мустабидларнинг замбаракларидан наники миноралару обидаларимиз, уларнинг пештоқлари, ай-вонларига нақш этилган охлоий бит-тиклар, муборак оятлару шариф ҳадислар ҳам яралган эдилар. Ватан. Улғвур Оқсаройлар узру мазийнинг оқ қорғонлари янглир узаниб кетган оқ оппоқ булутлар — Ватан, ҳазрати Имом гўмбазлари аро таралаётган дуолар, жиғир-жи-ғир қалдирғочлар — Ватан...

**Б**у ёқда эса... бизни Қорақалпоқ даштларининг саҳарҳез тўғрайла-ри виқир-виқир қилиб тонг паллада уй-отиб юрсинди. Кенгликлар, дашту дала-лару бугдойзорлар ёз кўйишда зарҳал-ланиб товланади. Ястаниб ётган Аёққул қадим қалаларга бош уриб, ўқларни кам ўз маъжларига қўшиб чайқалади. Улғу Амударё, қадим Жаҳон дарёси ҳуд-ди тарихнинг бепоён кинотасмасидек XXI асрда юртимизда бўлаётган жаҳон-шумул ўзгаришларни, халқимизнинг қўвонч ва ташвишларини тасвирга ола-ётган янгли, давру замонлар ара ястаниб, ёйилиб ўтиб бормоқда. Оли-ларда ҳазрат Султон Увайс тоғлари узру, Аёзқалъаю Тупроққалъаларнинг қўна, антиқавий қўрғонлари узру олоқ-нинг самовий оқ чинорлари мисол оқ булутлар ерга соя ташлаб турибдилар.

Бизни тўғрайлар уйғотган тонг хуш-хабар билан бошланди. Эллиққалъа тумани деҳқонлари давлатга бугдой топишир шартномавий режасини ба-жарганликларни ҳақидаги хабардан биз-нинг ҳам қўнглимиз ёришиб кетди.

Кейин, матбуот ходимлари қунига бағишлаб қорақалпоқ журналистлари

Амир Темурлардан қолган номус, ор, Бир синиқ гишти ҳам шараф-шон, юртим. Сен — сўнмас гуруссан, сўнмас иштихор. Сув ҳам, қуми ҳам шарафшон, юртим. Агар жўш урсан дил қоним дедим, Туғи абал баланд кўрғоним дедим.

Сирожиiddин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Зиддиятлар давом этмоқда



Кеча Исроил ҳарбийлари Ҳазон секторига бостириб кириб, ХАМАС гуруҳининг уч нафар жангарисини ўлдирди.

«Интерфакс» маълумотига кўра, исроилликлар талафот кўрмаган. Мазкур амалиёт Ҳазонинг жанубий қисмидаги Ал-Марози қочқинлар лагерига амалга оширилди. Халок бўлганлар орасида «Изоад-Дин ал-Қасам жамоаси» номли террорчилик гуруҳининг етакчиси Муҳаммад Сиам ҳам бор.

Мексика жанубида рўй берган кучли жала оқибатида йўловчи автобус жарга қулаб тушди.



«Рейтер» хабарига келтирилишича, ҳозирда мамлакатнинг Пуэбло штатида кўтарув ишлари олиб борилмоқда. Бу ишга мингдан ортиқ киши жалб этилган.

«Рейтер» хабарига келтирилишича, ҳозирда мамлакатнинг Пуэбло штатида кўтарув ишлари олиб борилмоқда. Бу ишга мингдан ортиқ киши жалб этилган.

«Blackstone» харидор

АҚШнинг «Blackstone» инвестицион гуруҳи мамлакатдаги «Hilton Hotels» меҳмонхоналар тармоғини сотиб олмоқчи. Харид нархи 26 миллиард долларга баҳоланди.

Хитойнинг Ляонин музофотидаги караоке-барда портлаш рўй берди.



Оқибатда 25 киши ҳалок бўлиб, 33 нафар одам оғир тан жароҳати олди.

Гаров эвазига озодлик

АҚШнинг собиқ вице-президенти Альберт Горнинг фарзанди наркотик моддаларни сақлаётганлиги учун полиция томонидан қўлга олинди.

Сирли мактуб

Ҳафта бошида Глазго аэропортида бир гуруҳ террорчилар томонидан теракт амалга оширилгани аввал хабар қилган эдик.

Шахзода акцияларини сотмоқчи

Саудия Арабистони шахзодаси Ал Валид Бин Талал ал Сауд «Kingdom Holding» компанияси акцияларининг 5 фоизини халқига сотишга қарор қилди.

«Форбес» журнали эълон қилган дунёнинг энг бой одамлари рўйхатида шахзода 13-ўринни эгаллаб турибди.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Соғлиқ инсон учун энг бебаҳо бойлик ҳисобланади. Соғлом одамнинг ишда ҳам, кундалик турмушу оилавий ҳаётида ҳам омади юришади, эзгу мақсадларига эришиши осон кечади. Борди-ю, аксинча бўлса-чи?..



Тиббиёт

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Табий, тансихатлиги учун астойдил қайғурадиган киши ўзини бетоб сезгани ҳамоно врачларга мурожаат қилиб, шифоналарда даволаниш пайида бўлади.

Санаторий 2005 йил декабрь ойидан эътиборан масъулияти чекланган жамият макomini олди.

балчиқ муолажаларини қўлловчи муассаса бўлиб, юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва ҳаракат-таянч аъзолари хасталиқларини даволашга иختислаштирилган.



«Бўстон» ташир буюр-чиқарилган олинувчи термалли, кам маъданлашган, таркиби сульфат, кальций-натрий моддаларига бой, кучли ишқорли сувдан ҳамда Жиззах вилоятидан махсус келтирилган балчиқдан унумли фойдаланамиз.

Санаторийнинг асосан бальнеологик, оддий фуқароларга тушунариқроқ қилиб айтганда, маъданли сувлар ва

Дарвоқе, ҳамсуҳбатимиз ҳақ гапни айтиди. Негаки, сув билан даволаш мажмуасида маъданли сувлардан ташқари иккита ҳовуз, сауна, шифо-

«Бўстон» ташир буюр-чиқарилган олинувчи термалли, кам маъданлашган, таркиби сульфат, кальций-натрий моддаларига бой, кучли ишқорли сувдан ҳамда Жиззах вилоятидан махсус келтирилган балчиқдан унумли фойдаланамиз.

ЭҲРОМЛАР ЎЛКАСИГА ЙЎЛ

Тошкент ва Қоҳира ўртасида самолёт қатнови йўлга қўйилди


(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу келишувга асосан Тошкент ва Қоҳира ўртасида ҳаво йўли очилди.



«Икки мамлакат ўртасида доимий рейслар йўқлиги иқтисодий, маданий соҳалардаги алоқаларни кенг йўлга қўйишга ҳалақит беради, — дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси бош директори ўринбосари Жавдат Аҳмедов.

Ўзбекистон ва Мисрнинг муштарак томонлари кўп. Айнаника, туризм ва бизнесни ривожлантириш учун ҳар икки мамлакатда катта имкониятлар мавжуд.



Ўзбекистон ва Мисрнинг муштарак томонлари кўп. Айнаника, туризм ва бизнесни ривожлантириш учун ҳар икки мамлакатда катта имкониятлар мавжуд.

Тошкент аэропортидан учган «Бухоро» деб номланган замонавий А-310 самолётининг борт командири В. Игнатенко ва учувчи Н. Жемиллов бошчилигидаги экипаж аъзолари эҳромлар юртига эсон-омон етказиб бордилар.

Advertisement for Hyundai car. Includes image of a silver SUV, text 'Drive your way', and contact information: Тел.: 215-89-89, 215-83-38. Кафолат — 2 йил.

Advertisement for Ipotekabank. Includes logo and text: Мамлакатимизда «Ипотекабанк»нинг фаолият кўрсатаётганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ.

«ИПОТЕКАБАНК»: МИЖОЗЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Айни пайтда республикамизнинг деярли барча ҳудудларида ушбу банкнинг бўлимларини учратиш мумкин. «Ипотекабанк»нинг Ангрэн шаҳар филиали шулар сирасига қиради.

Мамлакатимизда «Ипотекабанк»нинг фаолият кўрсатаётганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамадан, у ўтган қисқа мuddат ичида республикамиздаги кўзга кўринган банклар қаторидан ўрин олди.

Мамлакатимизда «Ипотекабанк»нинг фаолият кўрсатаётганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамадан, у ўтган қисқа мuddат ичида республикамиздаги кўзга кўринган банклар қаторидан ўрин олди.

Конимех туманида аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бора-бора қатор тadbирлар амалга оширилмоқда.

Янги иш ўринлари

Яқинда «Қарағата» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда минерал сувни ҳадоқладиган «Аквариус» кичик корхонаси ишга туширилди. Натижанда 20 нафар қишлоқ ёшлари ишли бўлди.

Advertisement for Ipotekabank. Includes logo and text: Мамлакатимизда «Ипотекабанк»нинг фаолият кўрсатаётганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ.

«ИПОТЕКАБАНК»: МИЖОЗЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Мамлакатимизда «Ипотекабанк»нинг фаолият кўрсатаётганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамадан, у ўтган қисқа мuddат ичида республикамиздаги кўзга кўринган банклар қаторидан ўрин олди.

Кишининг орзу-умидларидан тортиб, обрў-нуфузи шу эл-юрт билан. Юрт манфаатига қилаётган меҳнати ва унинг хайрли ташвишларига улш-иштироки билан. Мамлакатимизда қарор толган маҳалла фуқаролар йиғини институти одамларнинг жамият ҳаётига масъуллигини ошириш, Ватан тушунчасини теранроқ англаш жаҳасида катта мактаб вазифасини ўтапти, десак, хато бўлмас. Бу жараёндаги ижобий ўзгаришлар, айниқса, бир йил аввал ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилган сайловлардан сўнг аққолроқ кўзга ташланиб қолди.

**Маҳалла — менинг уйим**



— Бугунги куннинг талаблари баланд. Масъулият мезони юқори. Муҳими, уни эндиликда одамларнинг ўзлари белгиламоқда. Оқсоқолларнинг ишига шулардан келиб чиқиб баҳо бермоқда, — дейди Кумқўрғон туманидаги Оқжар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Саттор Мўминов.

Раис тўғри гапирди. Ана, йиғин таркибидидаги Навбахор маҳалласини олинг. Аҳолиси бнинг кишидан кўп. Бир ярим минг хонадон — бир ярим минг дунё дегани: ҳар қайсисининг

**Оқибатдан зиёда мартаба йўқ**

ўзига яраша иссиқ-совуғи-ю, баланд-паст муаммолари бор. Икки йилда маҳалла фуқаролар йиғинида икки раис алмашди. Гапга чечан, сергайрат йиғитлар эди улар ҳам. Оқсоқол дегани икки оёғим бир этikka тикилиб қолди, деган гапни ишлатмаслиги керак. Тўғри, элнинг ташвиши энгил эмас. Бу ташвиш ортилган аравани силжитиш бир кишининг қўлидан ҳам келмас. Ёки, эҳтимол, юқори идоралардан кўрсатиладиган кўмак ҳам кўнгилдагидек чиқа қолмас. Лекин оқсоқол одамларни ўзига ишонтира олсин, изидан эргаштира билсин, кўпнинг кўнгилдаги сўзларни толиб айтсин.

«Богаро» маҳалла фуқаролар йиғинидаги бир мунозарада ёш йиғит бемор ётган отамага маҳалла нима ёрдам кўрсатди, деб иддао билдирди. Бу гал одамлар, оқсоқол

шу жавобга қўшимча қилиб, тонни урса талқон қиладиган айрим ёшларимиз меҳнат қилиш ўрнига ота-онанинг нафақасига кўз тикиб яшаётганидан куйиниб гапирди.

— Аввало, биз ўзимиздан, ўз оиламиз — хонадонимиздан оғоҳ бўлайлик, — деди у. — Фарзандимиз мактабга қуруқ бориб қайтмаяптими? Бемаврид гап-гаштакларга тушиб қолмаяптими? Бохабар бўлайлик. Бир-биримизнинг кўнгилларимизни обод қилиб яшайлик.

Ҳа, кўчаларни, ҳовлиларни, жиёбонларни, дўконларни обод қилиш ўз йўлига, ноҳўя гап, ноўрин мунозара, гина-қудурат бўлмасин. Қўшни рўзгордаги бир кўнгилсизлик бошқа кўнгилларни кабартирмасин.

Яқинда «Арслобўйли» деган маҳаллага бордим. Маҳалла фуқаролар йиғинида Зулфиқор Чориев деган одам раис. Зулфиқор ака жамоа ва шир-

кат ҳўжалиқларини ва яна қайси-қайси йирик корхоналарни кўп йиллар бошқарган.

— Ҳақиқий раҳбарлик, энди билсам, маҳалланинг раислиги экан, — дедди З. Чориев. — Ҳашар билан олти километрни газ қувурини тортидик. Учта ичимлик сув қудуғи таъмирланди. Насослар созланди. Яхши гапга бош қўшган одам яхши ишга ҳам бош қўшади. Яхши ишга бош қўшиб ўрганганинг хаёли ёмон гапдан холи бўлади. Тоза бўлади. Ёмон гапни эшитса унинг таг-туғига етмай

лар бир ариқнинг сувидан ичиб турган, тўю таъзияси муштарак одамлар. Узаро қўда-анда! Урталарида пайдо бўлган тортишув дилларни хуфтон қилди. Уларни муроссага чакирмоқчи бўлганларнинг асабларини чарчатди. Гаплашиб кўрсангиз ёши олтидан ошган Равшан ака ҳам, ёш-навиқрон Ақром Абсаматов ҳам ҳалим-мулоим. Жами маҳалла-қўйнинг фикрича — ўйловли, оқибатли, кечиримли, яхши одамлар. Бироқ мождарнинг сабабчиси бўлмиш қафтдақина ерининг

устидан гап очилиши билан... Бугун Сурхондарёнинг 690 та маҳалласида — жавзо юмушлари. Қани энди, саратоннинг хиди уфориб турган ҳовурларга қўшилиб араз, гина-қудуратлар кўтарилиб кетса, қўшнингнинг, биродарининг, маҳалладошининг пахта гулларидида очилиб турган кўнглига қараб баҳри дилнинг яйраса. Зулфиқор Чориев айтганидай, шивир-шивир гап, майда-чуйда тортишуларнинг устидан яхшиликнинг дазмони ни босиб, ўзини шу азиз юртнинг эзгу юмушларига бахш этишга чоғлансанг. Элга ҳамнафас бўлсанг.

Ахир, одамзот оёга маҳлиё бўлиб ашагани билан унинг учун киндик қони тўқилган шу тупроқдан-да зиёда гулшан қайда? Ўз биродарининг меҳор-оқибатидан зиёда муқофоту мартаба қайда?!

**Олимжон УСАНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Очиқ осмон остидаги музей**

Марғилон шаҳрининг «Иқбол» маҳалласи ҳудудида жойлашган, XVIII аср охирида барпо этилган Саид Аҳмадхўжа Эшон мадрасаси — очик осмон остидаги музей сифатида Адхамжон Раҳмонов раҳбарлик қилаётган «Кимёқурилишсентез» масъулияти чекланган жамиятининг 95 кишилик жамоаси томонидан қайта тикланмоқда.

Айни кунларда 20 та хўжра, катта айвон ва масжид бинолари асли ҳолига келтирилмоқда. Битта қўшимча айвон ҳам қад кўтармоқда. Уймакорлик билан нақш ишланган янги эшикларни тошкентлик дурадгор усталар тайёрлаб беришди.

**Мухаммаджон МАҲМУДОВ.**

**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар аиққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» КК**  
(Чкалов номили ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни тақлиф этади:

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортқик.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:


- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.  
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

**Спорт • Sport • Спорт • Sport**



**Ҳамюртларимиз шоҳсупада**

Бельгиянинг Остенд шаҳрида трамполин бўйича жаҳон кубогининг бешинчи босқич мусобақаларида ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этишди.

Жумладан, батутда синхрон сакраш баҳсларида Екатерина Хилько ва Анна Савкина жуфтлиги бронза медалини қўлга киритишди. Эслатиб ўтамиз, иккала вакилимиз София (Болгария)да бўлиб ўтган тўртинчи босқич беллашуварларида ҳам кучли учликка киришган эди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Екатерина Хилько яққалик баҳсларида тўртинчи ўрин билан қийоғланди.

Жаҳон кубоги босқичи доирасида ўсмирлар ўртасида уюштирилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Владимир Елисеев иккинчи ўринни эгаллади.

**Сочи — қишки Олимпиада пойтахти**

Гватемалада ўтказилган Халқаро Олимпиада кўмитасининг 119-сессиясида 2014 йилги қишки Олимпиада ўйинлари пойтахти аниқланди.

Халқаро Олимпиада кўмитаси аъзолари ўртасида бўлиб ўтган сўровнома ақуларига кўра, Россиянинг курорт шаҳри — Сочи 2014 йилги қишки Олимпиада ўйинлари мазбонлигига мўносиб, деб топилди. Сочи сўровноманинг иккинчи босқичида Пхенчхан шаҳридан тўртта овоз кўп йиғишга муваффақ бўлди.

Хабарингиз бор, овоз беришнинг биринчи босқичида Пхенчхан (Жанубий Корея) 36, Сочи 34, Зальцбург (Австрия) шаҳри эса 25 та овоз тўлашга муваффақ бўлган эди. Сўровнома низомига биноан, Зальцбург иккинчи босқичда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Иккинчи босқич ақуларни куйидагича: Сочи 51, Пхенчхан 47.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Кеча Шўртан газ-кимё мажмуининг Қарши шаҳридаги спорт-соғломлаштириш марказида пляж футбол бўйича 1-республика кубоги мусобақалари бошланди.

**ҚАРШИДА ПЛЯЖ ФУТБОЛИ**

Спортнинг бу тури бўйича беллашувлар мамлакат миқёсида биринчи марта ўтказилмоқда. Шаҳардаги «Дельфин» чўмилиш ҳавзаси ёнида бунёд этилган замонавий стадионда пляж футбол бўйича мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш учун барча қўлайликлар яратилган.

Эртаклар ўртасида мамлакат кубогини қўлга киритиш учун 8 та жамоа кураш олиб бормоқда. Дастлабки кун «Сўғдиёна» (Самарқанд), «Олимпия» (Сурхондарё), «Бодомзор» (Тошкент), «Когон-ёғ» (Бухоро), «Орзу» (Косон) ва Шўртан газ-кимё мажмуи жамоаларининг ўзаро учрашувлари, айниқса, қизгин ўтди. Яқунда Шўртан газ-кимё мажмуи жамоаси кубокни қўлга киритди.

Аёллар жамоалари мусобақалари давом этмоқда.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Ёлланма «мухлислар»**

Эртага футбол бўйича Осиё кубоги мусобақалари бошланади. Утган ой Қатар интернет сайтида мазкур мамлакат Осиё кубогида терма жамоасини қўллаб-қувватлаб туриш учун 10 мингга яқин вьетнамлик мухлиси ёлламоқчи эканлиги ҳақида хабар тарқалганди.

Мана шу фикрлар бежиз айтилмаганлиги бугун ўз исботини топди, деб хабар беради ufc.uz сайти. Қатар футбол федерацияси вакиллари Вьетнам талабалар уюшмаси билан музокаралар бошлаш арасида туришибди.

Эслатиб ўтамиз, 12 июль Вьетнам — Қатар терма жамоалари ўзаро учрашди. Ана шу учрашувда Қатар терма жамоаси «мухлислар»ига анча қийин бўлиши аниқ.

**Қудратилла НАЖМИДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Аёллар майдонга тушади**

(Давоми. Боши 1-бетда).

демик лицейнинг спорт зали, шаҳардаги «Динамо» стадиони ҳамда «Ёшлик» сузиш ҳавзаси сингари замонавий иншоотлар танланган бўлиб, улар ҳар томонлама шай ҳолатга келтирилди.

— Аёлларимиз орасида спортни жон дилидан севган, у билан доимий шуғулланидиган жуда кўп, — дейди вилоят ҳокимлигининг хотин-қизлар масалалари котибияти мудири Хилола Юсупова. — Шаҳар ва қишлоқларимизда 288 мингга яқин қиз-жувонларимиз спортнинг маълум бир тури билан шуғулланмоқда. Бу сингари беллашувлар янгидан-янги иктидорларни аниқлаш, улар сафини кенгайтиришда

**Кўшни вилоятга саёҳат**

Қамашилиқ бир гуруҳ фахрийлар кўшни Сурхондарё вилоятига саёҳат қилдилар. Сафар Термизидидаги Ҳасан ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилиш билан бошланди. Мустақиллик йилларида амалга оширилган катта ҳажмдаги ободончилик ишлари нуронийларда катта таассурот қолдирди. Улар Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон темир йўлининг Сурхондарё вилояти ҳудудида бунёд этилган улкан иншоотларни ҳам бориб кўрдилар.

**UZ SUPPLY PRODUCTION**  
Кўшма корхона

**ПЛАСТМАССА БОЧКАЛАРИ**

Куйидагиларни сақлаш ва ташини учун мўлжалланган: «Озиқ-овқат махсулотлари: (сут, пасталар, мойлар, ёғлар, спирт), «Агрессив моддалар: (кислоталар, ишқорлар, бўёқлар, мойлаш материаллари) ва бошқалар.

Европа стандартлари. Ҳажми 10, 60, 155, 200, 220 литр, тор ва кенг бўйлиги.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб шохкўчаси, 12. Тел./факс: (99871) 152-56-01, 152-74-14. Сайт: www.uzbp.uz e-mail: uzbp@mail.ru, office@uzbp.uz

**Халқ сўзи Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Газетчилар билан алоқа ва митақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — О. Файзиёва. Мусавҳаҳ — М. Ёкубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуши — 21.35. Топширишди — 22.20 23456